



ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари халқ билан очикча гаплашиб, муаммоларни бир-галликда ҳал этиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида келганини таъкидлади.

— Мен қисқа, сизлар кўпроқ гапирсаларингиз тўғри бўлади. Мақтов керак эмас. Президентга энг катта мақтов — бу халқ ишончи. Ҳали энди биринчи қадамларни қўяёلمиз. Келиб, қарсак эшитиб кетиш менгаям осон. Лекин бундан натижа бўлмайди.

Туманларга ўзим боришимнинг сабаби — одамларнинг яшаш шароитларини юрагимдан ўтказиб, аниқ чоралар кўриш, ислохотлар узоқ-узоқ жойларда ҳам натижа беряптими, қуйи тизимдаги раҳбарлар садоқат билан, жон куйдириб ишляптими, деган саволларга жавоб топиш. Ҳар куни бундай учрашув бўлмайди. Аччиқ-аччиқ масалаларни қатъий қўйинглр, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ўтган ҳафта Сўх туманида бўлган воқеаларга ҳам тўхталиб, муносабат билдирди.

— Кейинги йилларда қўшни давлатлар билан чегарадош жойлардаги кўп муаммоларни ҳал қилишга эришдик.

Сўхдаги воқеалар қирғиз халқи билан дўстлигимизга, борди-келдимизга, режаларимизга таъсир қилмаслиги керак. Вазмин, сабр-тоқатли, меҳроқибатли бўлишимиз зарур. Қўшничилик — минг йилчилик. Халқларимиз елкадош бўлиб, бир-бирини ҳурмат қилиб яшаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазир раҳбарлигида Ҳукумат комиссияси томонидан муаммолар ўрганилиб, кенг қамровли таклифлар тайёрланган. 2020-2022 йилларда Сўх туманини комплекс ривожлантиришга 500 миллиард сўм маблағ йўналтириш белгиланган. 11 минг янги иш жойи ташкил этиш режалаштирилган.

98 лойиҳа амалга оширилиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожлантирилади. Жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солиғидан озод этилиб, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғи ставкаси 2 баробар камайтирилади. 1 минг гектар экин ерларида сув таъминоти яхшиланади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бўлимлари, юқумли касалликлар шифохонаси, марказий шифохона тиббий асбоб-ускуналар ва махсус реанимобиль билан таъминланади. Мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, йўллар ва ижтимоий объектлар таъмирланади.

Давоми 2-бетда

Кун мавзуси

ФАРҒОНАДАГИ “UZ-SEGANG” МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРИ

бир йилда 16 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш имкониятига эга

Мамлакатимизда озиқ-овқат экинлари майдонини кенгайтириш, янги интенсив боғлар барпо этиш, мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил қилиш ишлари яхши самара бериб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш ва экспорт ҳажми йил сайин ортишига хизмат қилмоқда.

Натижада серкўёш юртимизда етиштирилаётган экологик тоза, сархил мева-сабзавотлар нафақат маҳаллий бозорларимиз, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топиб, талабгор маҳсулотлар қаторидан жой оляпти.

Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида боғдорчилик соҳаси кенг ривожланмоқда. Айниқса, бу борада катта тажриба мактабига эга Фарғонада етиштирилаётган

мева-сабзавотлар кўплаб чет давлатларга экспорт қилиняпти. Маълумотларга кўра, вилоятда жорий йилда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 30,5 минг гектар майдонига экин экилган бўлиб, уларнинг 13,9 минг гектари сабзавот, 3,9 минг гектари полиз, 5,4 минг гектари картошка, 4,3 минг гектари дуккакли ҳамда 3 минг гектари мойли экинлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Давоми 3-бетда

Муносабат

САМАРАДОР ВА ШАФФОФ РАҚАМЛИ БОЖХОНА

ўтказувчанлик имкониятини 3 баробар оширади, расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтни экспортда 5, импортда 2 баробар қисқартиради

Божхона — чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси. У ўтказилаётган юкларни текшириш, тартибга солиш ва расмийлаштириш, улардан бож ва йиғимлар ундириш билан шуғулланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар бузилишининг олдини олиш, уларга нисбатан чоралар кўриш, контрабандага қарши курашиш ҳам Давлат божхона кўмитасининг вазифаларига кирди.

Бугунги кунда ана шу вазифаларни тез, шаффоф, ҳолис ва адолатли амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ортиб борапти. Янада аниқроқ айтганда, мамлакатимиз давлат божхона хизмати органлари фаолиятини бу технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда бу борада амалга оширилаётган изчил ислохотлар

эса унинг самарадорлигини оширишга хизмат қиляпти.

Худди шу жиҳатни товар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Илгари Ўзбекистонга кириб келган товар ва транспорт воситалари 100 фоиз божхона назоратидан ўтказилар, бу эса тадбиркорларнинг қимматли вақт ва маблағлари сарфланишига сабаб бўларди. Соҳада “Хавфни бошқариш тизими”нинг амалиётга жорий этилиши натижасида буларнинг бари яқин ўтмишда қолди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Фармонга кўра, **2020 йил 1 АВГУСТДАН** темир йўл транспорти ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини божхона органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш орқали божхона назорати остидаги вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни **БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА БЕҒАРАЗ ТАРЗДА ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР.**

2020 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН:

Божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, **3 СУТКАДАН 1 КУНГАЧА ҚИСҚАРТИРИЛАДИ.**

БОЖХОНА НАЗОРАТИНИНГ МУҚОБИЛ ТУРЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШ орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатлари қисқартирилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.



2020 йил 1 сентябрдан **“ЯГОНА ДАРЧА”** божхона ахборот тизими чегара божхона постларида жорий этилади.



Давлат божхона кўмитасининг хавфларни бошқариш тизими **АВТОМОБИЛЬ ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИДА** жорий этилади.



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ВАҚТИНЧАЛИК ОЛИБ КИРИШДА ташувчига реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати тугашидан олдин вақтинчалик олиб кириш муддатини узайтириш ва тегишли йиғимни тўлашни амалга ошириш имконияти тақдим этилади.



“БОЖХОНА ҲУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШ” БОЖХОНА РЕЖИМИДА қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Бошланиш 1-бетда

Сўхлик ёшлар учун водий вилоятларидаги олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилида давлат гранти асосида мақсадли равишда қўшимча 500 та ўрин ажратилади.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини ошириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Йигилишда бу борада Фарғонада ҳам кенг қўламли саъй-ҳаракатлар бошлангани, вилоятдаги 43 мингдан зиёд оилани йил якунига қадар камбағалликдан чиқариш мақсад қилингани қайд этилди.

Хусусан, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш орқали қарийб 14 минг оиланинг оёқ-қа туришига кўмаклашди. Бундай лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит ресурслари ҳажмини 25 фоизга ошириш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 400 миллиард сўм кредит ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва эркин иқтисодий зоналар орқали 6 мингдан, қишлоқ ҳўжалиги

соҳасида 17 мингдан ортиқ оилани камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

Масалан, ғалладан қисқарган 4 минг гектар, фойдаланишдан чиққан 3,5 минг гектар ерда боғ ва тоқзорлар ташкил этилади. Урмон ҳўжалиги давлат кўмитаси ҳузурда Доривор ўсимликлар илмий маркази ташкил этилиб, 10 минг гектарда доривор ўсимликлар етиштириш йўлга қўйилади.

Ирригация тизимидаги йўқотишларни камайтириш ва замонавий технологияларни жорий этиш, бунинг учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги қарор ҳам Фарғона вилояти учун катта аҳамиятга эга.

Йигилишда Президентимиз Фарғона вилоятида “Тадбиркор — ислохотчи” ташаббусини амалга ошириш кераклигини таъкидлади.

Бугунги таҳлиллар, глобал иқтисодий инқироз бутун дунёга хавф солиб турган айна пайтда, мамлакатимизда бундан уч йил аввал тадбиркорликка кенг эркинлик бериш бўйича қўйилган қадимлар тўғри бўлганини қўрсатди.

Юртимизда тадбиркорлик ривожланмаганда, фақат давлат ташкилотлари

ишлаб турганда, ҳозир аҳвол нима кечарди?

“Тадбиркор — ислохотчи” ташаббуси асосида соҳа вакилларига имкониятлар берилиб, масъулияти оширилади. Бош вазир ўринбосари, Савдо-саноат палатаси раиси, Бизнес-омбудсман, Фарғона вилояти ҳокими бир ойда икки марта онлайн тизим орқали тадбиркорлар билан яқма-яқма мулоқот ўтказиб, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилади. Чунки қанча имтиёз берилмасин, шароит яратилмасин, пул айланмаси, кредит олиш, экспорт қилиш, муҳандислик тармоқларига улашиш каби йўналишларда барибир муаммолар учраётди.

— Бунга ким айбдор? Маҳаллий ҳокимиятни, солиқچини, прокурорни? Ёки қонунларимиз ишламайдими? Мана шу масалаларни ўрганиб, йил якуни бўйича “Фарғона тадбиркорлари — ислохотчи” тажрибаси давомида эришилган натижаларни бошқа вилоятларга ҳам татбиқ этишимиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Бизнес-омбудсман уч ой Фарғона вилоятида юриб, ҳар бир корхона, ҳар бир тадбиркор билан диллашиб, тиллашиб, соҳа

вакилларига қонуний кафолатларни кучайтириш бўйича тавсиялар бериши лозимлигини таъкидлади. Уй-жойлар қуриш, ичимлик суви таъминоти ва оқова тармоқларини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Фарғона тажрибаси асосида “лоийҳалар фабрикаси”ни кенг ривожлантириш, IT марказларда ўқув курслари ташкил этиб, йилига 262 мингдан зиёд ёшнинг ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Йигилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, иқтисодиёт тармоқлари мутасаддилари, ҳокимларнинг ҳисоботи эшитилди.

Фаолиятида сусткашликка йўл қўйган Тошлоқ тумани ҳокими ва солиқ инспекцияси бошлигини вазифасидан озод этиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон — Корея халқаро университетида бўлди.

Мазкур таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги қарори мувофиқ ташкил этилган. Бу ерда таълим тўлов-контракт асосида, илгор ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўзбек, корей, инглиз тилларида олиб борилади.

Университет 4000 талабани қабул қилиш имкониятига эга. Тугаётган ўқув йилида биринчи курсда 720 йигит-қиз таълим олди. Жанубий Корея Республикасидан 11 тажрибали педагог жалб қилинган бўлиб, келгусида 43 нафарга етади.

Жорий йилда мазкур халқаро таълим даргоҳи учун янги бино қурилди.

Шавкат Мирзиёев университет ректори Пак Жун Ху ва корейлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ўқув дастури ва мазмуни, ёшларнинг фанларни ўзлаштириши билан қизиқди.

Муассасида гуманитар ҳамда техник-муҳандислик йўналишларида таълим берилди. Хусусан, туризм менежменти, мактабгача таълим, менежмент ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корей тили ва адабиёти фанлари ўқитилади. Шунингдек, машинасозлик муҳандислиги, келажак автомобилсозлиги инжиниринги, электротехника ва электроника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва кимё муҳандислиги бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.

— Бизда биринчи курсда умумий фанлар ўқитилиб, мактаб дастури

қайтарилади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ёшлар бир йил умрини йўқотиб, қизиқиши сўниб ҳам қолади. Ривожланган давлатларда бундай эмас, биринчи йилдан мутахассислик фанларига ўтиб, амалиётга муҳим ўрин берилади. Натижадаги фарқни ҳаёт кўрсатиб турибди.

Мутасаддиларга Жанубий Корея университетларидаги ўқув дастурлари ва соатларини ўрганиб, мамлакатимиз олий таълим тизimini қайта кўриб чиқиш, талабаларни амалиётга максимал йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Муносабат

Бошланиш 1-бетда

Эндиликда тадбиркорнинг нечоғлиқ ҳалоллигига қараб, инсон омили аралашувисиз, замонавий ахборот технологияларини қўллаш натижасида олиб келинаётган товар ва транспорт воситалари “яшил”, “сарик”, “қизил” йўлақларга автоматик равишда тақсимланади.

Божхона тўловларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб келаётган, қонунбузарликка қўл урмай, ҳалол фаолият юритаётган тадбиркор учун бу айна мудоао бўлмоқда.

Таъки иқтисодий фаолият иштирокчиларининг хавф даражасига қараб

лияти самарадорлигини ошириш концепцияси ва унда белгиланган манзилли мақсадларга элтувчи “йўл харитаси” тасдиқланди.

— Концепцияда 2020 – 2023 йилларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги тартиб-тамоийлар ҳамда божхона органлари фаолиятини ислоҳ этишнинг 7 та йўналиши белгилаб берилган, — дейди Давлат божхона кўмитаси бошқарма бошлиғи Фарход Олимжонов. — Бу йўналишлар божхона соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, божхона органлари фаолияти ва инфратузилма объектларини ривожлантириш, рақамли иқтисодиёт доирасида замонавий ва илгор

Таркибий тузилмадаги ўзгаришлар

Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги фармонида кўра, Давлат божхона кўмитаси тузилмасида божхона аудити ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш бўйича алоҳида таркибий тузилмалар ташкил этилган эди. Янги ҳужжат билан амалга оширилаётган навбатдаги ўзгаришлар кўмита фаолиятини янада такомиллаштиришни кўзда тутади.



САМАРАДОР ВА ШАФФОФ РАҚАМЛИ БОЖХОНА

ўтказувчанлик имкониятини 3 баробар оширади, расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтни экспортда 5, импортда 2 баробар қисқартиради

тоифаларга ажратилиши натижасида божхона кўриқлари сони 1,4 баробар камайиб, самарадорлиги 1,5 баробар ошди. Божхона расмийлаштируви вақти экспортда 1,7, импортда 1,4 баробар қисқарди.

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонининг асосий мақсади ҳам тизимда “қоғозсиз ва электрон божхона”нинг мантқиқий давоми ва ривожланиши бўлган “рақамли божхона”ни шакллантириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштиришга қаратилган.

Концепция — истиқболнинг устувор йўналишлари, “йўл харитаси” — манзилли чора-тадбирлар мажмуи

Фармонга мувофиқ, 2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фао-

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали шаффофлик ҳамда фаолият самарадорлигини таъминлаш, фискал функцияларни амалга оширишни, ТИФни тарифли ва нотариф тартибга солишни соддалаштириш, контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, ходимларни тайёрлаш, малакасини ошириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш вазифаларини қамраб олган.

Фармон билан 2020 йил 1 августдан темир йўл транспорти ташкилотлари ўзларининг ахборот тизимларини божхона органлари ахборот тизимларига интеграциялаш орқали вагон ва контейнерларнинг мамлакат ичидаги ҳаракатлари ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида тақдим этишлари йўлга қўйилади.

2020 йил 1 сентябрдан “Ягона дарча” божхона ахборот тизими чегара божхона постларида тўлиқ жорий этилади. Шу билан бирга, 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунга қисқартирилади.

Хавфларни бошқариш тизими автомобиль чегара божхона постларининг ўзига жорий этилади, божхона назоратининг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш орқали товарларни қузатиб бориш ҳолатлари ҳам қисқариб, бошқа имкониятлар яратилади.



— Контрабандага қарши курашиш бошқармаси янги бош бошқарма сифатида ташкил этилиб, унинг таркибига Божхона аудити бошқармаси ва Вазиятлар маркази ташкил этилди, — дейди Давлат божхона кўмитаси бошқарма бошлиғи Ғайрат Нуржонов. — Унинг штат бирлиги 14 тадан 30 тага қўпайтирилди. Божхона аудити товарлар чиқариб юборилгандан сўнг божхона назоратини ўтказиш тартибларини амалга оширишни назарда тутса, Вазиятлар маркази божхона идораларидаги умумий вазиятни ўрганиш ва тирбандликлар вужудга келишининг олдини олиш билан шуғулланади.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятда нотариф тартибга солишни назорат қилиш ва божхона экспертизаси ҳамда юридик масалалар билан шуғулланувчи янги бошқармалар фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда. Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ҳузурда интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича янги тузилма ташкил этилди.

Бу ўзгаришлар ДБҚ марказий аппаратининг айрим таркибий тузилмаларини ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг божхона постлари штатларини қисқартириш ҳисобига амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўмитада амалга оширилган таркибий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, унинг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари кенгайди.

67 банддан иборат чора-тадбирлар

Фармон билан тасдиқланган “йўл харитаси”да 67 банддан иборат чора-тадбирлар белгилаб берилган. Уларнинг ижросини таъминлаш орқали қандай мақсадларга эришиш кўзда тутиляпти?

— Халқаро миқёс ва юртимизда ахборот-коммуникация соҳасида эришилган рақамли иқтисодиётга доир илгор технологияларни босқичма-босқич жорий этиш “йўл харитаси”нинг устувор мақсади ҳисобланади, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари

Отабек Ҳасанов. — Жумладан, юкни етказиб бериш назорат китобчасини транзит божхона юк декларацияси билан алмаштириш амалиёти ҳамда “E-TRANZIT” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий этилади. Хавф даражаси паст бўлган (“яшил йўлак”ка йўналтирилган) божхона юк декларациясининг автоматик равишда божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Бунда экспорт божхона режимида нисбатан 2021 йил 1 январгача умумий божхона юк декларацияларининг фоизидан кам бўлмаган,

2022 йил 1 январгача 20 фоизи автомат равишда божхона расмийлаштиришдан ўтказилиши назарда тутилган. “Вақтинча сақлаш” ва “божхона оморни” божхона режимидаги нисбатан 2022 йил 1 январгача қадар умумий БЮДларнинг 20 фоизи автомат равишда божхона расмийлаштиришдан ўтказилади.

Бундан ташқари, божхона тўловлари тўланишини таъминлаш тартиби такомиллаштирилади, шу жумладан, божхона идоралари томонидан кафолат ҳужжатларини бериши мумкин бўлган ташкилотлар (банк, суғурта) рўйхати юритилади. Ушбу рўйхатга киритилмаган ташкилотлардан ҳужжатлари кафолат сифатида олинмайди.

Халқаро курьерлик жўнатмаларини расмийлаштириш фақатгина халқаро аэропортларда жойлашган авиа ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида амалга оширилиши амалиёти йўлга қўйилади. Божхона органлари ва ТИФ иштирокчилари ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида божхона органларида тортишувларни судгача ҳал этиш тартиби жорий этилади.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Унда божхона ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, уларни уй-жой билан таъминлашда имтиёзлар бериш, ижтимоий ҳимоя қилишининг

бошқа йўналишларини самарали қўллаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Пировард мақсад — натижалар

“Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонда белгиланган вазифалар қўламини кенг. Унда бир неча йиллик манзилли чора-тадбирлар режаси ўз ифодасини топган. Юқорида божхона тизimini ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришдан кўзланган мақсад ва натижаларнинг энг аҳамиятли томонлари ҳақида сўз борди. Шундай экан, ўз навбатида, фармон ижросининг таъминлаши тадбиркору фуқароларга қандай манфаат келтиради, деган савол туғилади.

— Асосий чегара ўтказиш пунктларини кенгайтириш ва модернизация қилиш орқали божхона постларининг ўтказувчанлик имконияти 3 баробар оширилади, — дейди Фарход Олимжонов. — “Ягона дарча” божхона ахборот тизimini такомиллаштирилиши божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақтни экспортда 5 баробар, импортда 2 баробар қисқартиради.

Умуман олганда, божхона маъмуриятчилигининг замонавий услулари қўллаш, рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини божхона органлари фаолиятига кенг жорий этиш асосида маълумотларни инсон омилисиз олиш, божхона расмийлаштируви ва назорати жараёнларини халқаро норма ҳамда стандартларга мувофиқ соддалаштириш, мамлакатимизнинг туризм ва инвестиция жозибадорлигини янада ошириш, божхона органлари тадбиркорга хизмат кўрсатувчи ёки ёрдам берувчи бизнес ҳамкор идора сифатида ислоҳ қилиниши таъминланади. Ана шундай тадбирлар орқали Ўзбекистон халқаро рейтингларда юқори поғоналарга қўтарилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



Кун мавзуси



ФАРҒОНАДАГИ “UZ-SEGANG”

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРИ

бир йилда 16 минг тонна маҳсулотни экспорт қилиш имкониятига эга

Бошланиши 1-бетда

Бу йил мева-сабзавотчилик корхоналари томонидан 288 минг тонна маҳсулот етиштирилиб, 120 минг тоннасини экспортга йўналтириш режалаштирилган. Бунинг учун сифими 330 минг тоннадан ортиқ бўлган музлаткичи омборхоналар, 25 та логистика маркази, 90 та қайта ишловчи корхона фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз 5 июнь кўни Фарғона вилоятига қилган ташрифи давомида Тошлоқ туманидаги маъсулияти чекланган жамият кўринишидаги “UZ-SEGANG” Жанубий Корея — Ўзбекистон қўшма корхонасидаги иш жараёни билан танишди.

Жанубий Кореянинг “Segang International” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхонанинг тамал тоши 2018 йилда қўйилган эди. 2,5 гектар майдонда олиб борилган қурилиш ишларидан сўнг 2019 йил май ойидан мева-сабзавот ва дуккакли ўсимликларни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий корхона ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир бу ерда 250 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

— Корхонамиз ишга туширилган илк ойларда фақат гилосни қайта ишлаб, Шарқий Осиё давлатларига экспорт қилардик, — дейди унинг раҳбари Хуршид Норматов. — Ўтган йил сентябрь ойида кластер тизимига ўтганимиздан кейин фаолиятимиз янада кенгайди. Ҳозир барча турдаги мева-сабзавотларни

қайта ишлаяпмиз. Корхонамизга қўшни вилоятлар фермерлари бириктирилиши натижасида бугунга қадар 40 дан ортиқ дехқон ва фермер хўжалиги билан мева-сабзавот етказиб бериш бўйича ҳамкорлик шартномаларини имзоладик. Бироқ корхонанинг иш қуввати юқори бўлгани боис, аҳолидан ҳам маҳсулотлар олишимизга тўғри келади. Далалардан олинган мева-сабзавотларни қайта ишлаш сифатли етказиш учун музлаткичи махсус машиналаримиз бил.

Корхонада меваларга қайта ишлаш жараёнидан кейин ишлов бериллади. Бу жараён муваффақиятли яқунланган эса данакли мевалар, хусусан, пилос ҳажмига кўра ажратилади. Сўнг унинг катта ҳажмдагилари Шарқий Осиё ва Европа мамлакатларига, майдалари эса МДҲ давлатларига экспорт қилинади.

Бу ерда гилос ва анорнинг ранги, катталиги бўйича саралаб қадоқлайдиган илгор технологиялар ҳам бор. Улар Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойдан келтирилган. Масалан, Италиянинг ICEOL технологияси гилосни ранги ва катталиги бўйича саралаб қадоқлайди. Сифатсизларини лазер нури орқали аниқлаб, алоҳида жойлайди. Жанубий Кореядан келтирилган SNP линияси эса анорни худди шундай саралайди. Ушбу технологиялар меванинг ичидаги пишмаган ёки чирий бошлаган қисмини аниқ кўрсатиш имкониятига ҳам эга.

Корхона маҳсулотлари “Global G.A.P.” халқаро сертификатига эга бўлиб, бу ерда йилга 16 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш имконияти мавжуд. Жорий йилда



Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша, Россия, Козогистон каби давлатларга 20 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Маҳсулотлар фарғона аэропорти орқали экспорт қилинмоқда

Авваллари вилоятдаги фермер хўжаликлари, шу жумладан,



“UZ-SEGANG” корхонаси ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чет мамлакатларга Тошкент халқаро аэропорти орқали экспорт қиларди. Бу орқача вақт ва харажат талаб этгани боис, ташкилотчиларга бир қатор қийинчиликлар туғдириб келган. Ана шундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида қўшма корхонада 100 миллиард сўм эвазиға замонавий логистика маркази ташкил этилди. Инновацион технологиялар билан жиҳозланган омборхона нафақат унинг эгалари, балки бошқа корхоналар маҳсулотларини ҳам сифатли сақлашга хизмат қилмоқда.

Янада қувонарлиси, узок йиллардан буён илк бор худудда етиштирилган маҳсулотларни вилоят аэропорти орқали экспорт қилиш йўлга қўйилди. Бу имконият “UZ-SEGANG” каби йирик корхоналарнинг кўнглидаги иш бўлди, десак муболаға эмас. Қисқа вақт ичида қўшма корхона

Фарғона аэропорти орқали Жанубий Кореяга чартер рейсларда 3 марта 52 тоннадан маҳсулот жўнатишга улгурди.

— Давлатимиз раҳбарининг корхона келажига катта ишонч билдириб, уни янада кенгайтириш бўйича берган тавсия ва кўрсатмалари бизни янги марралар сари руҳлантирди, — дейди Хуршид Норматов. — Айни пайтда корхона таркибиде 200 гектар боғимиз бор. Аммо ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини инобатга олсак, бу жуда кам.

Президентимиз сифатни кафолатлаш учун меваларни етиштиришдан то бошқа давлатларга етказиб бергунгача бўлган

жараёни корхонанинг ўзи қамраб олиши, бунинг учун ерларимизни 5 минг гектаргача кенгайтириш ва интенсив боғларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, Фарғона аэропорти ёнидан 2 гектар ер ажратиб, у ерда маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарур шароит яратиш кераклигини таъкидлади. Узққи кўзлаб айтилган ушбу тавсиялар, ҳақиқатан, экспорт ҳажмининг ортиши ва юртимиз мева-сабзавотларининг янада кўпроқ давлатларга етиб боришига хизмат қилади.

Айни пайтда корхона раҳбарияти ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Мавжуд ер майдонларини кенгайтириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш, қуёш нури ва сажий заминимизда пишиқ-етилган тотли маҳсулотларимизни нафақат Шарқий Осиё ва Европа давлатлари, балки дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам етказишни режалаштирмоқда. Шунингдек, қўшма корхона фаолиятини янада кенгайтириш, бошқа вилоятларда унинг филиалларини очилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ипакчилик

Қандай меҳнат қилсак, шундай яшаймиз

Сохиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фарғона вилояти нафақат сўлим табиати, балки оқкўнги ва меҳнатқаш халқи билан ҳам республикада ўз ўрнига эга. Барча соҳалардаги сингари пиллачиликда ҳам фарғоналикларнинг ўзига хос иш услуби ва тажрибаси бор. Ҳозир айти пилла мавсумида Фарғона туманининг ўзиде 32 минг нафар мавсумий ишчи меҳнат қилаётган бўлса, 4 минг 800 нафар киши доимий иш ўрнига эга.



Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида 1 340,2 минг туп тут кўчати экилиб, 325,5 гектар янги тутзорлар барпо қилинган. Йил бошидан буён 9 та корхонада 800 минг доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 1,5 млн. АҚШ доллари миқдориде ипак маҳсулотлари экспорти амалга оширилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 июндаги Фарғона вилоятига ташрифи чоғида вилоятда ипакчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Президентимиз тармоқ корхоналарига ер ажратиб, иш ўринларини кўпайтириш, одамларга ҳозирги қийин шароитда иқтисодий ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Бу йил Фарғона вилоятида 1 минг 950 тонна пилла етиштириш режалаштирилмоқда, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси Баҳром Шарипов. — Айтиш кераки, тайёр маҳсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинади. Вилоятда ўтган йилде чет элга 5 миллион долларлик маҳсулот сотилган бўлса, бу йил уни 8 миллион долларга етказиш мўлжали бор. Ипак курти озуқа базасини ривожлантириш мақсадида йил якунига қадар 5 910 минг туп тут кўчати экилади ҳамда 1 182 гектар янги тутзорлар барпо қилинади. Бу ипак санати корхоналарининг иқтисодий тиғизидеги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Экспорт ҳажми ортмоқда

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий секторларини кластер усулида бошқаришни ташкил этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодий тиғиз шакллантириш ва бошқаришда бу тизимдан умумли фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда республикада пахтачилик, пиллачилик, ғаллачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларида кластер тизимини жорий этиш жараёнлари жадал кечмоқда.

Пиллачиликда кластер усулидан фойдаланишнинг афзаллиги

Ҳар бир қути учун қўшимча маблағ бериллади

Тан олиш кераки, охириги йилларда республикамизда пиллачилик тармоғининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни кескин пасайиб кетган эди. Яъни тармоқда нафақат пилла хомашёсини етиштириш, балки аҳолининг соҳага қизиқиши сусайганди. Шунингдек, бошқарув тизимиде ҳам етарлича камчилик ва муаммолар вуҷудга келганди.

Ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари натижасида пиллачилик тармоғида туб ўзгаришлар рўй берди. Буни юқорида келтирилган рақамлар ҳам исботлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, пиллачилик аҳолини доимий ва мавсумий иш билан таъминлашнинг асосий тармоқларидан бирига айланди.

Ўтган йили 1216 та қўлда гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатилиб, 925таси ишга туширилди. Шу ва

Озуқа масаласи қандай ҳал этилади?

Албатта, бугунги кунда пиллачилик тармоғида эришаётган натижалар рақамларда ижобий кўзга ташланса-да, ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йўқ эмас. Бу эса, асосан, ипак куртининг озуқа манбаисига бориб тақалади. Охириги йилларда республикада экин майдонлари атрофида қарийб 30 миллион туп тут дарахти кесиб юборилган ва 6,3 минг гектар майдондаги тутзорлар бошқа мақсадларда фойдаланиб келинган. Бу эса, ўз навбатида, тармоқда пилла етиштиришда ипак курти озуси ва пилла ҳосили ҳажмига салбий таъсир этмасдан қўймайди.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, 2019 йилда республика бўйича 2403,6 минг гектар ерда янги тутзорлар ташкил этилиб, 63,1 млн. туп тут кўчати экилган. Шу билан тутзорлар 48,7 минг гектарга етказилган. Бу йил эса фойдаланишдан чиқарилган 7,8 минг гектар суғориладиган ер майдонларида янги тутзорлар барпо қилиш режалаштирилмоқда.

Пилла — қимматбаҳо хомашё. Ундан олинадиган табиий ипак санатининг турли тармоқларида ишлатилади. Ипак ўзининг ажойиб хусусиятларига эга бўлиб, у ёнмаслиги, толаннинг узун, ингичка, майинлиги, пишиқ ва мустаҳкамлиги, ҳаво ўтказувчанлиги ҳамда эластиклиги жиҳатдан бошқа, айниқса, синтетик ва сунъий толардан ажралиб туради. Мамлакатимизда уни етиштиришда иқлим шароити ҳам, соҳада йиллар давомида тўпланган тажриба ва салоҳият ҳам етарли. Иштиёқ, кунт ва меҳнат бўлса, бас.



шундаки, унинг таркибидеги корхоналар ипак куртини парваришлаш, пилла етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан то экспортгача бўлган жараёнларни ўз бошқаруварига олади ва уларни назорат қилиш имконига эга бўлади.

Халқаро пиллачилик комиссияси маълумотларига кўра, жаҳонда пилла ва хом ипак тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда бўлиб, 2019 йил якуни бўйича 19,5 минг тонна пилла етиштирилган ва шунга мос равишда хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми 770,5 тоннани ташкил этган.

бошқа саъй-ҳаракатлар натижасида 640 минг иш ўрни (2018 йилга нисбатан 1,5 марта кўп), шундан 18,3 минг доимий ва 621,8 минг мавсумий иш ўрни яратилган, — дейди Баҳром Шарипов. — Жорий йилда эса доимий ишчилар сонини 24 минг 440 нафарга, мавсумий ишчилар сонини эса 827,5 минг нафарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Фарғона мисолида гапирадиган бўлсак, 2020 йил давомида 543,3 гектар мавжуд тутзорлар оилавий пудрат асосида аҳолига босқичма-босқич ажратиб берилади. Қўлда гилам тўқиш дастгоҳлари сони 475 тага етказилиб,

Мулоҳаза

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

ёхуд инсон қалби нимадан тўйинади?



Тўлкин АЛИМАРДОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,
сиёсий фанлар доктори

Ижтимоий тараққиёт ривожини давлат, жамият ва инсон муносабатлари асосида вужудга келади. Аини шу унсурлар мутаносиблиги эса ижтимоий интеграцияни таъминловчи омиллардир. Мазкур унсурлар бири иккинчисини тўлдирувчи, етакловчи хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг барқарор фаолияти ҳар бир миллатнинг маънавий ва моддий қадриятларида акс этади. Бошқача айтганда, қадриятлар жамият яхлитлиги ва барқарор ривожининг кафолати сифатида намоён бўлади.

Қадриятларнинг давлат, жамият ва инсон муносабатларидаги уйғунлиги туфайли манфаатлар бирлашуви вужудга келади. Яъни давлатнинг функционал вазифалари жамият эркинлиги ва инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш масаласи билан белгиланса, ўз навбатида, инсон эркин жамият ва кучли давлатни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади.

Абу Наср Форобий томонидан тавсифланган фозил жамият ва адолатли давлатнинг бошқарув тизими қурилиши шаклан аънавий иерархик тузилмаларга эга бўлса-да, унинг маъмуни ўзига хос халқ-хуқуқини таъминлаш масаласи билан белгиланса, ўз навбатида, инсон эркин жамият ва кучли давлатни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади. Абу Наср Форобий томонидан тавсифланган фозил жамият ва адолатли давлатнинг бошқарув тизими қурилиши шаклан аънавий иерархик тузилмаларга эга бўлса-да, унинг маъмуни ўзига хос халқ-хуқуқини таъминлаш масаласи билан белгиланса, ўз навбатида, инсон эркин жамият ва кучли давлатни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади.

Мазкур қонуниятлар кишилик жамиятининг абадий мероси сифатида Платон, Аристотелдан тортиб то Т.Морганга, ондан-да ўтиб, Д.Дидро, Ж.Локкача, О.Кондран, Г.Гегелгача, П.Сорокинга Т.Парсонсгача, К.Ясперс ва А.Тойнби таълимотларида аънавийликнинг замонавий хусусиятлари уйғунлигини таъминлаш асосида инсониятнинг ҳалқдор қонуниятлари айланди. Мазкур таълимотлар замирида давлат, жамият, инсоннинг мақсад-манфаатлари уйғунлигини таъминлаш муаммоси устувор. Масалан, Т.Парсонс таълимотига кўра, жамият тузилмаси қадриятларга, қонуноқидаларга, жамоавийлик бошқаруви ва ҳар бирининг аниқ белгиланган ролига боғлиқ тўрт унсурни очиб берди. Бинобарин, жамият ушбу тузилмадан маҳрум экан, у ривожлана олмайди.

Мавжуд таълимотлар асосида бугун дунё илими жамоатчилигида ижтимоий фанларнинг турли туркумлари вужудга келган. Уларнинг тадқиқотлари негизда давлат, жамият ва инсон муносабатларининг функционал вазифалари объектини ўрганиб келинмоқда. Бу фанларнинг алоҳида ва уйғун маъсулияти чегаралари, мувозанат мурватлари, барқарорлик ва ривожланиш омиллари қадриятларга суянган илимий-назарий концепциялар яратилишига олиб келган. Айтиш лозимки, гарчи ихтилофлар бўлиб турган бўлса-да, охириги янги аср мубоинада



Ханим Йўлдошев олган сурат.

юзиде ижтимоий концепциялар башариёт қиёфасининг инсонийлигини сақлашга, прогрессив ғоялар асосида интеграционлашув жараёнлари узвий ва изчил глобал тизимни шакллантиришга, жамиятда яратувчанлик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. Пировард натижада инсон акли ва тафаккури мисли қўрилган фан-технологик кашфиётлар қилди.

Шунингдек, инсон акли нарсалар моҳиятини ифодалашда унинг табиатини англайди, илм орқали эса алоқа ўрнатишга эришади. Бир пайтлар А.Эйнштейн айнан таълимотлар нималарни қўришимиз мумкинлигини белгилайди, деб айтган. Шу маънода жамият тизимини ўрганиш, таъбиқ қилиш, характерини аниқлаш ижтимоий фанлар учун долзарб вазифага айланади. Биз бугун қандай ижтимоий муносабатларга киришдик? Унинг даъватлари нималардан иборат? Янги жамият учун маънавий ва моддий қадриятларнинг устуворлиги нималарда намоён бўлмоқда?

Бугун жамиятнинг ички диалектик қонуниятларига хос бўлган шиддатли ва истиқболли инновацион қадамлар унинг мақсад ва манфаатларини уйғунлаштиришга хизмат қилади. Бошқача айтганда, давр руҳини хис қилиш ва унга мутаносиб жамият тузилмасини ташкил этиш билан интеграцион жараёнларга кириш мумкин бўлади.

Жамият, инсон аслида табиатан ўсиш, камол топиш ва юксалиш хусусиятларига мойил. Бу унинг генетида мавжуд. Ижтимоий фанлар жамият ҳулқат-иштини моделлаштириш, ижтимоий муаммолар ечимига дахлдор бир қанча муқобил ечимларни ишлаб чиқиш, ижтимоий муносабатларнинг мавжуд шароит ва вазият учун муқобил моделларни тавсия этиш билан мазкур имкониятлар ривожига таъсир кўрсатади. Аини пайтда йирик ва турли соҳалардаги муаммолар сабаб-оқибатини инсон омили билан боғлашга эришади. Яъни мақсадлар содғилигини таъминлаш асосида жамиятда манфаатлар уйғунлиги вужудга келади.

Жамиятнинг уяти йўқолганда, фан, санъат, адабиёт бошқа мақсадларга хизмат қилишни бошлаганида, нафснинг чексиз ва чегарасиз доми индивидларнинг иштаҳасини очади. Боз устига, инсон ўз нафсини назорат қилиш, чеклаш иштиёқидан ҳам маҳрум бўлади. Қалбнинг "парвози" инсоний маъсулияти ва жавобгарлик туйғуларидан мосуво қилиб, унинг руҳиятига ором ва таскин беради. "Ўткинчи ва қадрсиз" ҳаётнинг ҳар бир оини лаззат ва фароғатда яшаш "маданияти" шаклланади. Аинан шундай ижтимоий иллатлар жамият инкирозини келтириб чиқаради. Эзгулик ва ёвузлик ўртасида кечаётган зиддиятлар гайритабиий хусусият касб этади. Ижтимоий фанлар хусусиятида мазкур касаллиқни даволаш ва унга қарши эмлаш имкониятлари мавжуд. Демак, бу фан имкониятларини жамият ижтимоий ҳаётига синдириш орқали ишлаб чиқариш муносабатлари самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Замонавий давр ўзгаришлари иқтисодий жараёнларнинг мураккаб хусусияти, инсонларни тобе қилиб қўйгани билан хатарли. Аини пайтда унинг иқтисодий иллатлари фан-техника натижаларини ҳам назоратга олишга эришган. Иқтисодий функциялар сиёсий омилларга боғланган. Демократик тизим шароитида

давлат монополиясини сақлаб туришдан, бошқарувни марказлаштиришдан манфаатдор хуфиёна кучлар аллақачон юзага келган. Лекин бу тафовутлар жамият ривожини табиатига зид келиши билан тараққиётни турғунликка сақлаб қолади. Чунки табиий жамият тузилмаси иерархиясини бузилган. Мақсад (қадрият) лар ўрнига манфаатлар устуворлик қилади. Мана, боқимандалик, лоқайдлик, худбинлик, андишасизлик, бефарқлик қаердан келиб чиқади, деган саволга жавоб. Бугун хусусий мулк эгаллиги тушунчалари (тадбиркорлик) назарий жиҳатдан анча бузилган кўринишларга эга. Олим ёки ҳофизнинг дўкон очиб тирикчилик қилиши тадбиркорлик эмас. Тадбиркорлик ҳар бир индивиднинг профессионал касбидан, худо берган маҳоратидан келиб чиқсагина, жамият учун манфаатдорлик ортади.

Ислохотларнинг умумий мақсадларга йўналтирилганлиги, давлатнинг асосий мақсадни қўя олиши жараёнларнинг изчил ва самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини тавсия қилади. Аини пайтда тизим босимини туширадиган ва шахслар томонидан ўзлаштирилган қадриятлар қонун-қодалар барқарорлигини сақлаш билан ижтимоий ахлоқий муҳитни вужудга келтиришнинг ғоявий-назарий концепцияларини яратди. Бундан ташқари, тизимнинг янги кўринишларга кириши, интеграцион имкониятларга эга бўлиши масалалари таъбиқ этиб борилади.

Ижтимоий фанларда кузатувчининг шахси, унинг қандай қадриятларга асосланганлиги, ҳаётий талабларига боғлиқ хусусиятлари ва уйғунлаштирувчи омиллари очиб берилди. Битта объектни шу тариқа камида социология, конфликтология, психология, культурология фанлари ўрганади. Улар орқали эксперимент методи ижтимоий жараёнлар ривожига таъсир кўрсатувчи белгиларни таҳлил қилади. Ижтимоий башорат қилиш услублари ўз тадқиқотларида мустакил ўзгаришларга эга бўлиб, бошқа ўзгаришларга ҳам таъсир кўрсатиш хусусиятларини аниқлайди. Масалан, жамиятда маънавий ва илмий салоҳиятнинг пастилиги макроиқтисодий ўсиш суратларига салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий тузилмани жамиятнинг қарбий моҳиятини очиб ва ўрганишга табиийлиги муҳим илмий мезонлардан бири ҳисобланади. У ўз табиатига кўра, объектив хусусиятга эга бўлиб, қонун чиқарувчининг қарорлари бўйича таъсир этилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Ижтимоий тузилмани ўрганиш замирида жамиятда ҳуқуқ ва имтиёзларнинг, жавобгарлик ва вазифаларнинг номуносаб тақсимланганлиги, ижтимоий қадриятларнинг мавжудлиги, ҳамжамиятга кирувчи гуруҳлар ҳокимияти ва аъзолар ўртасидаги таъсирнинг бор-йўқлиги каби масалалар кўндаланг туради. Инчунин, жамиятнинг барқарорлигига ижобий ёхуд салбий таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаш бугунги кунда ижтимоий фанлар олдига турган долзарб изланишлар қаторига қиради.

Бугун замоннинг қиёфаси ўзгарди ва у тарихан улкан ва долзарб кўлами билан таъсир кўрсатмоқда. Мавжуд ўзгарувчан тарихий шароит ва вазиятлар мувозанатини таъминлашнинг янги, аммо аънавий илдиэларига эга илмий ёндашувларни тақозо этмоқда. Аинан шундай ҳоллар ижтимоий фанларнинг ҳам ўзгаришига бўлган ҳэйтиёжини

оширмоқда. Улар фанлараро уйғун илмий соҳаларни талаб қиляпти. Бу, ўз навбатида, миллий давлатчилик тарихи даври босқичларини, сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг тадрижий ривожини таҳлил қилишга, аънавийлик ва замонавийлик тамойилларини жорий этишга қаратилган сиёсий фалсафа, сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий менежмент каби қатор фанларнинг ҳам уйғун методлари ривожини талаб қилмоқда. Бундай улкан маданий меросни ўрганмоқ, унинг тарихий эврилишларидан сабоқ чиқармоқ мазкур фанлар олдига, шубҳасиз, катта маъсулият

юқлайди. Энг асосий масала — миллий хусусиятимизни, миллий қодимизни тиклаш вақти келди.

Инсон муаммоси ижтимоий фанлар олдига асосий вазифалардан биридир. У замонавий инсон қиёфасини яратиш билан боғлиқ масала. Бу борада универсал фанлар — онтология, аксиология, социология, психология, гнессология ва бошқа йўналишларнинг уйғунлашиб бораётганлигига ғувоҳ бўлаёмиз. Инчунин, миллий мансубликни ифода этувчи ва замонавий жамият талабларига жавоб берувчи шахсларнинг психологик ва физиологик портретини яратиш даврнинг даъватига жавоб бериш демакдир. Шу даъват талабларига жавоб бера олмаслик оқибатида аждодлар ва авлодлар (раҳбарлар-фуқаролар, кексалар-ёшлар, оталар-болалар, эркаклар-аёллар ва бошқа ижтимоий қатламлар) ўртасида ижтимоий зиддиятлар вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий фанларнинг роли тасаввур қилганимиздан ҳам анча мураккаб ва жиддийдир. Аксарий ҳолларда ижтимоий фанларнинг функционал вазифаларини идрок этмаслик оқибатида туғилаётган ваҳларга ғувоҳ бўлаёмиз. Жумладан, ижтимоий фанлар жамият тараққиёти учун ҳеч нарса бермаётган экан, ҳаёт ҳақиқатларидан узилган, танқидий-таҳлилий ва ижтимоий воқеликни объектив баҳоловчи тадқиқотлар йўқ ҳисоби, инновацион лойиҳалар асосида ва улар саёз, деган ваҳлар келтирилди. Тўғри, қўшилиамиз. Аҳвол шундай! Лекин шу вазиятнинг юзага келиши фан эмас, инсон омилига боғлиқ эканлиги ҳам ҳеч кимга сир бўлмас керак?

Ижтимоий фанлар тизими нафақат синфхоналарда ўқиладиган маърузалар туркуми, балки жамиятни бошқариш таълимоти ҳамдир. Инсон маънавияти (инсон капитал), дунёқараш ижтимоий бойликларни яратувчи омил. Жамият мол-дунё орттириш илмида ким ошди саёй-ҳаракатида авлодларга қандай намуна бўлса, аини шунга мос тарбиядаги ёшлар ўсиб, воёга етади.

Бугун назарий тадқиқотларни кенгайтириш орқали ижтимоий фан ғоялари инсоннинг кундалик турмушига ҳам айланаб борапти. Шу тариқа ижтимоий фанлар тизими жамиятнинг ҳолатини ифода қилади. Халқнинг истиқболли мақсадларни аниқлаш, белгилаш, таснифлаш умуммиллий стратегик йўналишлар дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Улар алоҳида тадқиқот методлари билан жамиятнинг яхлит жараёнларига таъсир кўрсатади. Бунинг учун мустакил социологик, сиёсий тадқиқотлар марказларини очиб талаб қилинади. Шундай экан, ижтимоий фанларнинг функционал вазифасини суиестемьол қилиш ёхуд инобатга олмаслик муқаррар турғунликка олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий фанларга муносабат ўзгараётгани сўнгги йилларда сезила бошлади. Унинг концептуал йўналишларини белгилаш ва ишлаб чиқиш бугунги даврнинг даъватларини тўғри аниқлаш билан боғлиқ ҳодиса. Албатта, бу борада ижтимоий фанлар тизимини такомиллаштириш, ўқитиш ва амалиёт тартибларини шакллантириш, бугунги эҳтиёжларимизга мувофиқлаштириш масаласи аллақачон пишиб этилганини ҳам инкор қилиб бўлмасайди.

Қадрият

Комилжон РАҲИМОВ

Мухтожларга, ёлғиз кексаларга, ногирон шахсларга, қаровчисини йўқотган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатли бўлиш, моддий ва маънавий кўмак бериш тотувлик, тинчлик-хотиржамликнинг асосий омилларидандир.

Жавонмард одамнинг сўзи, иши, нияти ва фикри пок бўлмай

Ўзбекистон узра кенг қўл оч эган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати бугунги синови кунлардан ёруғ юз билан ўтишда ўта муҳим кўприқдир. Бу жараёнга имом-хатиблар, саховат-пеша тадбиркорлар, давлат ва жамоат арбоблари, раҳбарлар ва мутасаддиларнинг жиддий муносабати кишининг ёдига ҳожалар-нақшбандия тариқати пирларининг халққа хизмат қилиш борасидаги тавсияларини солади.

"Инсонлардан бирон нарса таъма қилма", "Олижаноб ва сахий бўл. Аллоҳ таоло сенга инъом этган неъматлардан халққа эхсон қил!" деб ўғит беради тариқат етти пирининг бири, машхур Абдуллохлик Ғийдуновий. Унинг "Тариқат одоби", "Васиянома", "Мақсад ус-солиқин" (тариқат йўлига кирганларнинг мақсади) каби рисола-ларида инсоннинг бу дунёдаги вазифаси ҳақида сўз юритилган. Уларда инсон яхши хислатларни эгаллаши, касб-хунар билан шуғулланиши, бевабечора ва мухтожларга ёрдам бериши, заифу ногиронларга меҳр-шафқатли, саховатли ва қўли очиб бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Бухорода камол толган кўллаб тариқат пирлари, жумладан, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд таълимотида ҳам инсонларварлик, саховат ва кўмак мавзулари устувлан қилади.

"Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл!" деб таълим беради улар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "Халқнинг юкни енгиллаштиринг, унга юк бўлмаган!" деган қақирғи шахс камолотига, жамиятда ўзаро аҳиллик

Ҳазрат Навоий эса айтади: **Мурувват барча бермакдур, емак йўқ, Футувват барча қилмокдур, демак йўқ.**

Яъни ўзинг ема — бошқаларга бер. Ана шу чин мурувват бўлади. Яхшилик қил, орқасидан гапирма, мақтанма. Чунки мақтаниш эзгу амалдан ҳосил бўлган савобни йўққа чиқариб, у футувват аҳлига хос сифат эмас.

Хўсайн Воиз Кошифий таснифига кўра, футувватнинг уч мартабаси бор. Улардан биринчиси саховат, яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизганмаслик. Иккинчиси сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-қудурат, бахиллик ва ғазабдан пок тутиш. Учинчиси вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш.

Кубровия тариқатнинг бош шиори — саховат. Мовароуннаҳр заминиде XIII аср бошларида дунёга келган мазкур тариқат асосчиси Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий Хоразмий — Нажмиддин Кубродир. Саховат, шафқат, таъмадан холи бўлиш ва мухтожлар гамига шериклик — жавонмардлик кубровия тариқатининг бош шиори ҳисобланади.



Хўсайн Воиз Кошифий таснифига кўра, футувватнинг уч мартабаси бор. Улардан биринчиси саховат, яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизганмаслик. Иккинчиси сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-қудурат, бахиллик ва ғазабдан пок тутиш. Учинчиси вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлиш.

ва меҳр-мурувват фазилатларининг мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Тарихий манбаларда Хожа Аҳрор Валийнинг ҳам саховат ва мурувватда бошқаларга ибрат бўлгани келтирилди. Умаршайх Мирзо Тошкентнинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда, шаҳар аҳолиси бу хирожини қашоқлик туфайли тўполмаган. Шунда Хожа Аҳрор Валий Умаршайхга 250 минг динор миқдоридеги бу хирожини ўзи тўлаган, бундан ташқари, Тошкент аҳолисининг қишдан қийнамай чиқиши учун яна 70 минг динор туғфа ҳам қилган.

Хожа Аҳрор Валий қурдирган мадраса ва хонақоҳларнинг сони йиғирмата, вақф дафтаридаги мулклар сони 254 тани ташкил этган. "Унинг моллари ба-тамом фақирлар учун сарф бўлар эди", деб ёзади Абдурахмон Жомий ўзининг "Нафаҳот ул-унс" асариде.

Хожа Аҳрорнинг Туркистонда бошланган очарчилик сабабли Тошкентга наҳот қидириб келаятган минглаб оч-юпун, мухтож кишиларга ҳар куни овқат тарқатиш ишларини ташкил этгани ҳақидаги хикоялар ҳалигача халқ орасида унутилмаган. Шоир ёзганидек,

XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир-бири билан қўшилиб кетди. Аслини олганда, бу жараён хийла олдин, X-XI асрларда бошланган. Мовароуннаҳр ва Хуросон шайхлари мардлик ва фидойилик, саховат ва қаноатлилик фазилатларини ўзига синдириган жавонмардлик ғояларини тариқатнинг муҳим ғояларидан бири сифатида илгари сурган эдилар.

Хуллас, футувват — мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Жавонмард одамнинг сўзи ҳам, иши ҳам, нияти ва фикри ҳам пок бўлган. Улар халқимиз ахлоқини тарбиялашда катта хизмат қилдилар.

Кишиларимизнинг меҳмондўстлиги, одамхунлиги, мардлиги ўша аждодлар удмининг меросий давомидир. Яхшилик қилиш, бировнинг ҳожатини чиқаришдан мамнун бўладиган, борини бошқалар билан баҳам кўрадиган одамлар ҳозир ҳам бор ва улар жуда кўп. Уларнинг ҳиммати, шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракалидир. Халқимиз қалбидеги саховат ва маънавий олижаноблик хислатлари ўзи бўларчилик майлидан устундир. Умуман, банданинг ризқига барака кириши, зиён-заҳматлардан омонда бўлиши, ризқининг ҳамда умрининг зиёда бўлишида айнан саховат ва кўмакнинг ўрни беқиёс.

Киши молики беэҳсон эмасдур, Худонинг фазлидур, дунё эмасдур. Дема дунё, чирого охиратдур, Худойимдин нишони мағфиратдур.

9 июнь — Халқаро архивлар куни

ТАРИХНИНГ ЎЛМАС ГУВОҲЛАРИ

Санобар ЖУМАНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Сўнгги йилларда мамлакатимизда архивлар фаолияти такомиллаштирилди. Онлайн хизматлар сони ошди. Кўплаб "ёпиқ маълумотлар" махфийликдан чиқарилиди. Энди тарихни бирламчи манбалардан ўрганмоқчи бўлган олимлардан тортиб, ўз шажараси ҳақида билишни истаётган ёки ҳужжатларини йўқотиб қўйган фуқароларгача, ҳатто бизнесини йўлга қўйиш учун услубий кўмак сўраган тадбиркор ҳам архив хизматларидан қулай шаклда фойдалана олади. Бу хизматлар архив ҳужжатларидан вақтинча фойдаланиш, кўчирма ва маълумотнома олиш, архивларни жамлаш ва доимий сақлаш учун топшириш ва ҳоказолар шаклида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон архив фонди: энг узун ҳужжат 83 метр

— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Узархив" агентлиги тизимида 3 та Ўзбекистон Миллий архиви, 14 та архив иши худудий бошқармаси ва улар тизимида вилоят, шаҳар, туман давлат архивлари фаолият юритмоқда, — дейди агентлик директори Улугбек Юсуфов. — Бундан ташқари, 11 та нодавлат архив ҳам фаолият юритмоқда. Архив ҳужжатларини қамраб олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига ҳозир давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар сони ошиб бормоқда. Айни кунда юртимизда 8,4 миллион сақлов бирлигида миллий архив фонди ҳужжатлари мавжуд. Уларни рақамлаштириш, онлайн хизмат турларини кўпайтириш, ҳужжатлар янги сақланиши учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш асосий эътиборда.

Мамлакатимиз архивларида сақланаётган энг қадимий ҳужжат IX асрга тегишли бўлиб, у Бухоро амири Исмоил Сомониининг ўз авлодларига вақф қилган ерлар ҳақидаги ҳужжатдир. Архивларда 1500 дан ортиқ вақф ҳужжати коллекцияси сақланиб, уларнинг энг узун 83 метр, энг қисқаси 20 сантиметри ташкил этади. Ҳужжатлар тери, қоғоз, калъага битилган. Сақланаётган қадимий ҳужжатлар, асосан, араб, форс-тожик, эски ўзбек ва рус тилларида битилган. Архив ҳужжатлари даврийлик нуқтаи назардан уч даврни қамраб олади: 1917 йилгача бўлган тарихий давр, 1917—1991 йиллар ва 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган мустақиллик даври. Архивларда 800 минг сақлов бирлигидан ортиқ алоҳида

қимматли ҳужжатлар сақланмоқда. "Вақф ҳужжатлари коллекцияси", "Хива хонлари канцелярияси", "Бухоро амрлиги", "Қўқон хонлиги" ва бошқалар шулар жумласидандир. Сақланаётган ҳужжатларнинг ноёблиги ва дунё тамаддунидаги аҳамияти инобатга олиниб, ЮНЕСКО томонидан 2017 йилда 20 минг сақлов бирлигидан ортиқ "Хива хонлари канцелярияси" ҳужжатлари "Жаҳон хотираси" дастурининг халқаро рўйхатига киритилди. МДҲ мамлакатлари архивлари орасида Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт миллий архиви биринчи бўлиб ва бугунги кунда Ягона ISO 9001:2008 сифат менежменти тизими сертификати ҳамда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими сертификати эга бўлди.

Архив мутахассисларининг иши ниҳоятда масъулиятли ва машаққатли. Тарихнинг тилсиз гувоҳлари бўлган, вақт синовлари натижасида увадаланиб, сарғайиб кетаётган қўлзма, дурдона манбаларни тиклайтиш, ҳужжатларни асраб-авайлайтиш, келгуси авлодга беэавол етиб бериши учун жон куйдиради.

Битта мисол. Шу кунгача Иккинчи жаҳон урушида 1 миллион 500 минг ўзбекистонлик иштирак этган деб ҳисобланар эди. Архив ҳужжатларини ўрганиш асосида фашизмга қарши курашда 1 миллион 951 минг нафар ватандошимиз қатнашгани маълум бўлди. Бу бир қарашда шунчаки рақамлар ўзгаришига ўхшаши мумкин. Бироқ бунинг учун миллионлаб архив ҳужжатлари кайта ўрганиб чиқилган.

Хива хони Ануш Муҳаммад Баҳодирхоннинг фуқаро мулла Маҳмуд ва унинг фарзандларига берган тархон ёрлиғи фонддаги энг қадимий ҳужжат бўлиб, милодий 1664 йилга тааллуқлидир. Хива хонининг Англия консули билан турли масалалар хусусидаги ёзишмалари 1846 йилга тегишли.

Тупроққалъада қадимий архив намунаси

Ўзбекистонда архивларнинг пайдо бўлиши уч минг йиллик давлатчилик тарихи билан боғлиқ. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш шароитида аънанавий сарой, диний ва шахсий архивлар билан бир қаторда девон, кутубхона ва мадрасаларда ҳам ҳужжатларни жамлаш ҳамда сақлаш ривожланган. Марказий Осиё ҳукмдорларининг бугунги кунгача сақланиб қолган архив ҳужжатлари, асосан, муқофотлар бериш тўғрисидаги қайдлар, солиқларнинг тўлов қоғозлари, иқтисодий мазмундаги ёзишмалар ва камдан-

кам ҳолларда ҳужжатлар нусхасидан иборат. Саройларда иш юритиш ва ҳужжатларни сақлаш билан шуғулланувчи девонбеги, парвончи, китобдор, шотир каби вазонимлар бўлган.

— Ватанимиз ҳудудида қадимдан архивларнинг мавжуд бўлгани Тупроққалъа харобасида олиб борилган археологик қазималар пайтида исботланган, — дейди тарихчи олим, Самарқанд давлат университети докторанти Акмал Ёқубов. — Бу ерда милодий III-IV асрларга оид қадимги хоразм тилида ёзилган юзга яқин ҳужжат

топилиди. Улар Хоразм ҳукмдорлари архивига тегишли экани аниқланди. Ҳужжатларнинг 18 таси ёғочга, кўпи ошланган чармга ёзилган. Сақизта ҳужжат яхши сақланган. Ҳозирги кунга қадар юзга яқин ҳужжатдан атиги 26 тасини олимлар ўқишга муваффақ бўлди.

Бугун биз билган шаклдаги архив эса 1919 йили ташкил этилган. Ўтган асрнинг 30-йилларида марказий архивлар тармоғи шакллана бошлади. Бу эса миллий аҳамиятга эга ҳужжатларни жамлаш имконини таъминлади.

Давлат архиви рақамлашмоқда

Архивлар фақат узок мозийни эмас, яқин тарихни ҳам ўзида акс эттиради. Зотан, бугуннинг эртага ўтмиши. Шу кунгача фуқаролар кўплаб масалаларда, жумладан, пенсияга чиқиш учун архивга мурожаат қилган. Масалан, 2019 йили пенсияга чиқаётган 224 мингдан ортиқ фуқаро давлат архивларига шахсан борган. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб: "Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорт билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак", деган эди.

Вазифалар ижроси йўлида "Узархив" агентлиги томонидан фуқароларга давлат пенсияларини тайинлашда иш ҳақи ва иш стажига тўғрисидаги архив маълумотномаларини олиш бўйича Ягона ахборот тизими яратилмоқда.

— 70 мингдан зиёд ташкилотнинг республика архивларида сақланаётган ҳужжатлари маълумотлар базаси-

ни такомиллаштириш, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги базасига интеграциялаш устида иш олиб боришмоқда. — дейди "Узархив" агентлиги ахборот хизмати раҳбари Анваржон Алиев. — Фуқаролар энди ушбу маълумотномаларни олиш учун давлат архивларига келиши талаб этилмайди. Фуқароларга давлат архивларидан маълумотнома олиб келиш талаби бекор қилинади. Шу билан бирга, архив соҳасида унга яқин электрон тизим жорий этилган. Архив ишини тўлиқ қамраб олувчи ва уни автоматлаштиришга мўлжалланган тизим устида иш олиб бормоқдамиз. Карантин пайтида барча архивлар сўровларни онлайн қабул қилмоқда. Фуқаролар Ягона интерактив давлат хизматлари портали, агентлик ва архивларнинг расмий веб-сайтлари, электрон манзиллари ва ҳатто ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали сўров юборишлари мумкин.

2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш



юритишни янада ривожлантириш давлат дастури тасдиқланди. Унга кўра, архив иши ва иш юритишнинг норматив, услубий базасини такомиллаштириш, архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ишларини фаоллаштириш, архив хизматларини босқичма-босқич Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Инновацион ёндашувлар

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида, масалан, Франция, Жанубий Кореяда ҳужжатнинг қоғоз нусхаси билан бирга электрон сўғурта нусхаси талаб этилади. Ана шу тажриба юртимизда ҳам амалга кирмоқда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, турли қорхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида шаклландиран бошқарув (иш юритиш)га оид, илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатларнинг архив сақло-

виға топширилиши ҳамда ўрнатилган тартибда йўқ қилинишида уларнинг электрон ва Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатларининг сўғурта нусхалари талаб этилади. Агентлик ва унинг худудий бошқармалари ходимларига ўз ваколати доирасида архив ҳужжатларини топшириш, сақлаш, улардан фойдаланиш, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида

баённомалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивининг шу кунгача фойдаланиб келинган йўлқўрсаткичи қайта тўлдирилди. Қолаверса, архив фондининг давлат каталогини яратиш, давлат ва нодавлат, шунингдек, идоравий архивларда сақланадиган ҳужжатларнинг марказлаштирилган давлат ҳисобини онлайн назорат қилиш ҳам ўзига хос янгилик бўлмоқда. Ўзбекистон тарихи, маданиятига оид видеоорликларни жамлаган онлайн видеопортал ишга тушиш, кино ва фототархивдан самарали фойдаланиш имкони яратилади.

Фуқаронинг хонга мактуби сақланмоқда

Миллий архив фондида тегишли йғма жилдларнинг 170 мингдан ортиги алоҳида қимматга эга. Улар орасида Хива хонлиги архив ҳужжатлари "Жаҳон хотираси" дастурининг халқаро рўйхатида 3-уринда эътироф этилиб, дунё аҳамиятига молик бе-баҳо мерос сифатида қайд қилинган. Йғма жилда хоннинг ёрлиқлари, халқаро дипломатик алоқалар, ходимларни мансабга тайинлаш, фуқароларни рўйхатга олиш ва бошқа масалалар қамраб олинган.


— Ноёб фондда Хива хонлигининг маъмурий-худудий жойлашиши, давлат бошқаруви, қишлоқ ҳўжалиги, ҳунармандчилик, савдо алоқалари, халқнинг турмуш тарзи ва маданиятига оид кенг қамровли маълумотлар мавжуд, — дейди Ўзбекистон Миллий архиви директори Дилбар Зокирова. — Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига сақланаётган ушбу ҳужжатлар 1268 та йғма жилддан иборат бўлиб, 20 минг варақни ташкил этади. Хива хони Ануш Муҳаммад Баҳодирхоннинг фуқаро мулла Маҳмуд ва унинг фарзандларига берган тархон ёрлиғи фонддаги энг қадимий ҳужжат бўлиб, милодий 1664 йилга тааллуқлидир. Хива хонининг Англия консули билан турли масалалар хусусидаги ёзишмалари 1846 йилга тегишли. Хатда икки давлат



Хива шаҳридаги Муҳаммад Ёқуб бей мадрасасида тегишли мол-мулклар вақфи. XVIII аср. ЎЗР МДА.

қилишини сўраган. Унинг ёзишича, Қўрқулоқ деган мавзёда ота-боболари яшаб ўтган ва қариндош-уруғлари ҳам шу манзилда истикомат қилади. Хизматкор ўз мактубида шу манзилга бориб, ҳаётини давом эттириш учун хондан изн сўраган.

Хива хонлигидан Россия давлатига боришга ижозат берувчи ҳужжат, аниқроғи, паспорт фуқаро Шайх Назар Муҳаммадназар ўғли ва Бекжон Бобожон ўғлига берилган. Бу ҳужжат берилган кундан бошлаб, фуқаронинг уч ой мобайнида Россиядаги турли шаҳарларга бориб, ўз ишини битириб келиши учун рухсатнома вазиғасини ўта-



Хива хонлиги даврида Усмоий туркларга тегишли мусулмонларнинг рамазон рўзаси туғугунга бериладиган фиғо садақаси ҳамда Пағамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари келтирилган кема тасвири. 1864 йил. Хива хонлиғи

ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари қамраб олинган.

Шунингдек, Хива хонига ёзилган мурожаат кўпчиликнинг эътиборини тортади. Ушбу мактуб хонликда анча ишларни хизмат қилган кул томонидан ёзилган бўлиб, ҳукмдордан уни қулликдан озод

ган. Паспортда фуқаронинг исми, отасининг исми, ёши, бўйи, қўзининг ранги, қоши, бурни, соқоли, юзи, тонфаси (миллати), яшми (қайси уруғдан экани), қавий манзили, паспорт серия рақами, берилган санаси исми кўрсатилган. Паспорт рус ва туркий-чиғатай тилларида ёзилган. Унинг пасти қисмида муҳр, марка ва имзо мавжуд. Ушбу ҳужжат 1908 йилга тааллуқли.

Кийиниш одоби

ЛИБОС — ИНСОН МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГЎСИ



Дилфуза РАХМАТУЛЛАЕВА, ЎзФА Санъатшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Инсон ҳаётида озиқ-овқат ва турар жой қанчалик муҳим бўлса, кийим ҳам мана шу зарур нарсалардан биридир. Чунки у инсонни иссиқ ва совуқ ҳаводан сақлайди, энг асосийси, уни уятга қолишдан асрайди. Демак, айнан кийиниши сабаб ҳам инсон бошқа мавжудотлардан ажралиб туради.

Либослар нафақат инсонларнинг табиий ва эстетик эҳтиёжларини қондиради, шу билан бирга, уларда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, ижтимоий муносабатлар, мафкура белгилари, диний эътиқод, нафосат ва эстетик меъзонлар ўз аксини топади. Бундан ташқари, кийимларда инсон яшаган жой ва замон, унинг ҳаётийлиги, қувончли ёхуд қайғули воқеалар намоеён бўлади. Шу маънода либос инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ёши, жинси, феъл-аъвори ва эстетик дини акс эттиради.

Инсоний муносабатларда ташқи юрениш, яъни одамнинг кийими, юриш-туриши, ҳолати, қиёғаси, ўзини тутishi муҳим аҳамият касб этиб, маълум маънода, шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилайди. Шу сабаб "ташқи юренишнинг қараб, қарши оладилар, аклинг-қараб, кузатадилар" ёки "ташқи қиёға кишини юзаки таърифлайди" сингари фикрларни тез-тез эшитиб тураемиз. Ижтимоий ҳаётда шахснинг жамиятдаги даражасини белгилашда ички қиёға, яъни инсоннинг муомала маданияти, тафаккур даражаси, билим савияси ва ҳоказолар етакчи омил

сифатида бўй кўрсатса-да, либос кишилик жамияти маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган даврдан бошлаб, шахснинг жамиятдаги мавқеини белгилашда муҳим омил сифатида яшаб келмоқда. Айнан ташқи қиёға унинг умумий маданияти ва тарбия даражасининг кўрсаткичи сифатида қабул қилинади.

Шу маънода, муҳофаза қилишдан ташқари кийимнинг ахборот бериш вазифаси ҳам борки, у қадимдан одамнинг қай ижтимоий табақга мансублиги ва қайси касбга тааллуқлигини билдирувчи белги вазифасини ўтаган. Хусусан, Марказий Осиё вилоятларида кийим эгасининг қайси шайхондан эканини, қай табаққа мансублигини билиш қийин бўлмаган. Ҳатто кийим енгининг узунлиги, ранги ёхуд бекага аёл кишининг турмушга чиққан ёки қиммагандан ахборот берган. Шу ўринда кийимнинг эстетик вазифасини ҳам таъкидлаш ўринлики, бунга дунёнинг турли музейларида намойиш этиладиган тарихий ва аънанавий либосларнинг гўзал намуналари мисол бўла олади.

Уз тарихий тараққиёти давомида катта ўзгаришларга учраган кийимлар бугунги кунда вазифаси ва

функциясига кўра туркумланади. Бунда ёш ва жинс аломатлари, либос туркумида ишлатилиши, инсон фаолиятининг соҳаларида қўлланилиши, мавсумий кўринишлари, материал иноватга олинади.

Ёш ва жинс аломатларига кўра, катталар, яъни эркак ва аёллар кийими ва болалар — ўғил ва қиз болалариникига бўлинадиган миллий кийимларимиз қадимда бичидада унчалик катта фарқ қилмаган бўлса-да, даврлар ўтиб, турли ташқи таъсирлар ва тараққиёт сабаб ўзгаришларга учраганини эътироф этиш ўринли. Бунда танланган мато тури, қўлланилаётган безакларнинг ҳам ўрни бор.

Аёллар кийимида сўнгги йилларда жуда катта ўзгаришлар содир бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда аёллар либосидаги турфалли шунчалик кўпайгани, бунда ўта замонавийлаштириш ҳам ёки унга таомил қарама-қарши шарқона мутаассибликни ҳам кузатиш мумкин. Ўз ўзидан нега энди миллий кийимнинг маданиятимиз бунчалик заифлик билан ўз ўрнини ахнабий либослар бўшашиб бermoқда, деб ўйлаб қолади киши. Тўғри, миллий матолардан тикилган либослар

сўнгги йилларда бирмунча урф бўлди, хусусан, келинчақлар сарпосидан муносиб ўрин олди. Қолаверса, мамлакатимизда турли даражада ташкил этилган тадбирлар буни анча жонлантirdи. Бироқ тан олиш жоиз, у аёлларимиз кийиниш маданиятининг асоси, таркибий қисмига айланмапти...

Қолаверса, халқимиз орасида кийимни вазифасига қараб фарқламаётганлар кўпайиб бораётгани таассуф уйғотади. Фаолиятнинг турли вазифаларига кўра, кийимлар маиший кийим, спорт кийими, иш кийими, форма, шунингдек, саҳна кийимларига бўлинади. Шу сабаб ҳам турли машғулотлар, хусусан, ишона учун ёки бозор-учарга мўлжалланган кийимда тўй-ҳашам, байрам тадбири ёки театр-га бормаймиз. Бу маросимлар учун, албатта, кийимнинг башанг турини танлаймиз. Бироқ аёлларимиз орасида хурсандчилик маросимлари учун мос башанг кийимларда бирор заруриятсиз ишга бориш, шунингдек, тақинчоқларни ўринсиз тақиб олиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Сўнгги йилларда ҳатто мотам маросимларига ҳам тақинчоқларни тақиб бориш ҳолатлари кузатиляптики, бу асрий қадриятларимизга тамомила зиддир.

Азгдан халқимизда маросим турига қараб, тўй ва мотам кийимлари фарқланган. Бунда мато ранги алоҳида аҳамият касб этган. Хусусан, тўй кийимлари, асосан, ёрқин рангларда, аксар оқ рангда бўлган бўлса, мотам маросимларида одатда одми кийинилган. Бунда, асосан, мовий, яшил, тўқ кўк рангдаги матолардан фойдаланилган. Тўғри, ўтган асрда ташқи таъсирлар сабаб қора рангдаги кийимлар бу маросимларда етакчилик касб этди. Аста-секин бу ранг



қундалик кийимларга ҳам кирди. Бугунги кунда нафақат аёллар, ҳатто ёшгина қизчаларнинг бош-ора-оёқ қора рангдаги уст-бошга ўралиб олишига ҳам ташқи таъсирлар сабаб бўлмоқда. Ахир, ўйлаб кўринг, ҳаво кескин континентал минтақада яшаймиз. Қора ранг иссиқлиги узиға тортиш қувватига эга. Бугунгидек ҳаво иссиқ бўлган кунларда қора рангдаги кийим эгасининг тана ҳарорати кўтарилишига сабаб бўлиши, бу эса саломатлик учун зиён эканини ҳам унутмаслигимиз лозим. Мутахассислар бундай ҳароратда ёрқин рангларда кийинишни бежиз тавсия этмайди. Шу ўринда яна бир жиҳат ёдга келади. Бундан 10-15 йиллар аввал Ўзбекистон телевидениесида бир сериал намойиш этилди. Унда қилаётган иши бирор ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган Жади исми аёл билан боғлиқ воқеалар

ҳўқоқ қилинади. Бу сериалнинг яна бир ножиоз жиҳати бўлдики, унинг либоси, хусусан, бош кийими аёлларимизга ёқиб қолди. Натижада аёлларимиз орасида рўмол остидан қора рангдаги шапка шаклидаги иккинчи бош кийимни кийиш урфга кирди. Узок тарихимиз давомида аёлларимиз рўмолни пешоналаридан бошлаб, қўлоқлар остига олиб бориб, соч тағидан турмаклаган, лекин унинг остидан бу каби бош кийим кийилмаган. Қолаверса, аънаналарга кўра, қора ранг мотам ранги ҳўқобланган. Ўйлаб қолсан, нега ўзимизнинг ироқи, гиламнўсха сингари гўзал дўппиларимиз урфга кирмайдиган, бошқа миллатнинг миллий либоси бизни оҳанрабодек ўзига тортади. Нима, миллий гуғуримиз шунчалик сўниб кетганми?

Эътиборсизлигимиз кийиниш маданиятида турли ножиоз ҳў-

латларни юзага келтирмоқда. Хусусан, бир неча йил илгари пляжга кийишга мўлжалланган кийимларда одамлар зич шаҳар кўчаларига юриш уятлиги ҳақида гапирила бошланди. Бунга баданнинг каттагина қисмини очиб кўннинг орасида юришни уят ҳисобламайдиган янги авлоднинг шаклланаётгани сабаб бўлди. Қолаверса, иқлим кескин континентал бўлган заминимизга елқисма, бели, киндиги очиқ кийим кийиш ўта оғир асоратли касалликлар турининг кўпаяётганлигига сабаб бўлмаяптимики, деган ҳақли фикр уйғотади. Шу ўринда муқаддас ислом динимиз ҳам авратни ёпиш деганда, айнан мана шу жиҳатларни ҳам эътиборга олган, деб ўйлаб қолсан.

Кийиниш маданиятида турли томондан кириб келаётган бу каби қарама-қарши аънаналардан, миллати тақдирга бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини ўйлашга ундаши табиий. Хусусан, эркакларнинг шорти, капри сингари оёқнинг сони ва болдир қисми очиқ иштон турларини омма орасида кийиш ҳам миллий аънаналаримизга бутунлай ётдири. Табиийки, бу фикрлар турли баҳсларга сабаб бўлиши мумкин, ҳали орамиздан модани тушунармаслик деб баҳоловчилар ҳам чиқар. Бироқ кийимни вазифаси ва функциясига кўра, кийиш, ёш хусусиятларини эътиборга олиш ва бунда миллий аънаналаримизга беъэтибор бўлмаслик, меъёрни сақлаган маъқул. Зеро, "мода" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, меъёр, усул, қиёға, шакл, қоида, норма деган маъноларни билдиради. Демак, мода кийинишнинг ўзига хос меъёрга эга экани ва бу меъёр эса инсоннинг янада гўзаллигини таъминлашга қараб, инсон ушбу меъёрлар орқали нафақат маданий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ўзлигини намоеён этиб, имкониятларини сафарбар эта олишини кўрсатади.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

УЛУҒ МАЪРИФАТПАРВАР ВА МИЛЛАТ ВИҶДОНИ

Хаким ЙҮЛДӨШЕВ олган суратлар.



ABDULLA AVLONIY
1875 - 1934



Ахмадали АСҚАРОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
профессори, академик

Яқинда Адиблар хиёбонида бўлиб, маърифатпарвар мутафаккир, таълим-тарбия борасида миллатимиз виждони ва миллий ўзликини англатиш йўлида фидокорона меҳнати, эгилмас иродаси билан из қолдирган Абдулла Авлоний хайкали олдида уюштирилган хотира кечасида қатнашдим. Мен тадбирга муддатидан анча аввал келиб, барча улуг зотлар сиймоларини бир-бир зиёрат қилдим ва уларнинг машаққатли ҳаёт йўллари, таълим-тарбия ва маърифий қарашларим янгиланди, бойиди.

Миллат, халқнинг энг юқори, юксак камолот чўққиси уни белгилловчи асосий омиллар — тили, этник номи ва ўзлигини англай бошлайди. Ана шу омиллар муштараклигида миллатга хос менталитет шаклланади. Бу тарихий ҳақиқат, илмий ва амалий ақсоломдир.

Даҳо аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаётда, ижодда, мамлакатни бошқаришда, илму фан оламида байналмилал бўлган. Улар даврида келиб чикиш илмийлар 4 минг йиллик тарихга тенг ўзбек миллати асослари яратилган бўлса-да, у турк номи билан юритилган, мамлакат эса Буюк Турон деб аталган.

Бухоро мадрасаларида тарбия топган чингизийзода Шайбонийхон бошлиқ Дашти қипчоқ чорвадор ўзбекларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши гарчи сулолавий ўзгаришларга сабаб бўлса-да, қадимдан тараққий этиб келаётган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётни бузиб ташламади. Аксинча, бир бутун Турон, Туркистонни Темирилардек бошқаришни давом эттирди. Бунга Абдуллахон II давридаги тараққиёт мисол бўла олади.

Лекин Астрахан Аштархонийлари на Темирилар, на Шайбонийлар бўла

олмади. Бир бутун Туркистон Дашти қипчоқ кўчманчи ўзбекларнинг ўзаро уруғ-аймоқ ва қабилавий бошқарува мийилликлари туфайли ягона Туркистон мамлакатини, унинг автохтон ўтроқ дилингизм тилли аҳолиси уч хонлиққа бўлиниб кетди. “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар” халқ мақоли амалда намоён бўлиб, ягона Туркистон аста-секин Россия хомашё базасига, атеистик большевиклар мустамлакисига айланди.

Бу сўнгги ўзгаришлар иқтисодий тараққиёт, маърифий уйғонишлар сари интилишда, энг муҳими, миллий ўзлигини англашда, маҳаллий аҳолини феодализм жаҳолатидан узоқлаштиришда ижобий излар қолдирган бўлса-да, миллий кадриятлар, бой маданий мерос обидаларини сақлашда, аҳоли қатламларини диний диёнатли қилиб тарбиялашда жуда катта йўқотишларга олиб келди.

Большевикларнинг ленинча миллий сиёсати туфайли тарқоқ Туркистон СССР таркибидаги республикага айланди, унга Ўзбекистон деб ном берилди, халқи эса ўзбеклар деб аталди. Тўғри, бу тарихий жараёнларни амалга ошириш осон бўлмаган. Ўзбек сузига дастлаб этник маъно ва мазмун касб эттиришнинг ўзи жуда оғир кечган.

Бугун ўзбек эканимиздан фахрланамиз. Бу фахр туйғуларини илм бор уйғотишда, ўзбек атамасининг миллат номига айланишида Туркистон зиёлилари, биринчи навбатда, жадидларнинг роли ва хизмати бекиёсдир. Бехудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Абдулла Авлонийнинг маърифий саъй-харакатлари, адабий ижодий асарлари ва педагогик фаолиятлари, амалий ишларининг самараси буюк эканини эндиликда янада кенгроқ англаб етмоқдамиз.

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” асарлари Абдулла Қодирийни ўзбек романчилиги асосчисига айлантирган. Аммо бу асарларнинг яна бир маънавий, тарбиявий ва сиёсий жиҳати борки, ўзбек деганда, Шайбонийхон билан Дашти қипчоқдан Ўрта Осиёга кириб келган саҳроий ўзбекларни эмас, балки

Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чўпки инсон унинг соҳибидир. У ақл ёрдамида илм эгаллайди, илм туфайли дунёни бошқаради. “Ақл — инсонларнинг пири қомили, муршиди ягонаси. Рух ишловчи, ақл бошловчидур. ...Инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан боғлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур”.

уларгача бу заминда қадимдан яшаб келаётган ўтроқ туркизабон халқни тушунмоқ кераклиги жуда моҳирона таърифланган.

Ўзбек халқи Шайбоний ўзбеклари Мовароуннаҳрга кириб келмасдан 5 аср аввал Ўзбекистон ҳудудлари ва унга туташ вилоятларда халқ сифатида узил-кесил шаклланиб бўлган эди, саҳроий ўзбеклар Ғарбий Қорахонийлар давлати даврида ўзбек халқи таркибига қўшилган этнографик қатлам эди, холос. Бу қатлам номи совет ҳокимиятининг Ўрта Осиёда миллий чегаралаш сиёсати туфайли рус шарқшунослари томонидан ўзбек халқига берилган ном бўлиб, баъзилар ўзбек халқи тарихи Ўзбекистон ССР ташкил топишидан бошланди, деган таъналар билан тарихий ҳақиқатни сохталаштиришга уринадилар. Жадидлар, Абдулла Қодирий ва Абдулла Авлоний тасаввурда ўзбек халқининг тарихий илдиралиши жуда чуқурдир.

Жадидлар кўтарган ўзликини англаш, миллат тилини асраш ва ривожлантириш, унинг адабий ва тарихий мероси асосида аҳоли қатламларини тарбиялаш миллатнинг вазифаси. Бу мақсад ва вазифа тарбия ва таълим орқали миллий сиёсий ҳокимият учун курашга олиб келмоғи керак. Улар миллий кадриятлар, дин ва диёнат, сиёсий ва маънавий барқарорликка эришмасдан туриб, истиқболли жамият куриш мумкин эмас, деган ғоянинг байроқдори бўлдилар.

Мана шу тарихий ҳақиқат учун курашган маърифатпарварлардан бири Абдулла Авлоний бўлиб, у 1878 йилда Тошкентда “Мергачини” маҳалласида тўқувчи оиласида туғилди, эски усул мактабини тамомлагандан кейин 12 ёшида мадрасага ўқишга кирди. Ута иқтидорли бўлган Абдулла Авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади. Дастлабки шеърларидаёқ, халқни янги усул мактабларидан ўқиб-ўрганишга тарғиб қилди.

Абдулла Авлоний 1907 йилда “Шуҳрат”, “Осиё” номи янги газеталар чиқарди, лекин чор амалдорлари тез орада уларни ёптириб қўйди. Сўнг у “Садои Туркистон” (1914-1915), “Турон” (1917), “Иштирокион” (1918) газеталарида, “Касабачилик ҳаракати” (1921) журналида муҳаррир бўлиб ишлайди. Уша кезларда у ўзбек матбуотининг забардаст вакили, асосчиларидан бири сифатида танилади.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги педагогик фикрлар ривожига Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни тарбиялаш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний ўзбек халқининг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар



“Турон” театр труппаси

қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир. У ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда “Турон” театр труппасини ташкил қилади. Мазкур труппа учун “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Икки муҳаббат”, “Портуғолия инқилоби” каби драмалар ёзди. “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, “Жаҳолат”, “Улиқлар” каби саҳна асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилади.

Абдулла Авлоний 1917 йилдаги октябрь тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаларидан эди. У илгор зиёли кишилар қаторида театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағлар ҳисобига дунёвий илмларни ўқитадиган “Усули жадид”, яъни янгича илгор усулдаги мактаблар очди ва бу мактабларда халқ болаларига ўзи дарс берди. Мактаб ўқувчилари, асосан, камбағал аҳоли фарзандлари бўлиб, ўқув жиҳозлари — парта ва доскаларни ўз кўли билан ясади. Мактабнинг камбағал ўқувчиларини кийим-кечак, озиқ-овқат, дафтар-қалам билан таъминлаш мақсадида дўстлари кўмағида “Хайрия жамияти” ташкил этиди ва бу жамиятга ўзи раислик қилади.

Абдулла Авлоний “Усули жадид” мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим” (1912), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913), “Иккинчи муаллим” (1915), “Мактаб гулистони” (1917) каби дарслик ва ўқув китобларини яратди. Бу асарларида ва публицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанини, мактаб ва маорифни улуглаб, ўз халқини илмли, маданиятли бўлишга чақирди.

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари XX аср болаларидаги педагогик фикрлар тараққиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

Бу асар ахлоқий ва таълимий-тарбиявийдир. Асарда инсонларни “яхшиликка чақирувчи, ёмонликлардан қайтарувчи” илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатдан қараганда, бу асар Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу билиг”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Аҳмад Донинининг “Фарзандларга васият” асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб: “Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдики, аллоҳу ақбар, бундай қиллардан яхшилик кутмоқ ердан турб юлдизларга қўл узатмақ кабудур”, дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят

У ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда “Турон” театр труппасини ташкил қилади.

Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиш бениҳоя зарур ва муқаддас вазифа, деб ҳисоблайди. “Таълим-тарбия бериш муаллимларнинг виждонларига юкланган муқаддас вазифадир”, дейди Авлоний. Айни замонда у таълим ва тарбиянинг узвийлиги, узлуksизлиги ҳақида гапирди.

катта аҳамиятга эга. Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага “бола тарбиясининг фандидир”, деб таъриф берди.

Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда тўрт бўлимга ажратади: “Тарбиянинг замони”, “Бадан тарбияси”, “Фикр тарбияси”, “Ахлоқ тарбияси”. “Тарбиянинг замони” бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳамма — ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқалар жалб этилиши кераклигини таъкидлайди. “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур”, деб ўқтиради.

Тарбия хусусий иш эмас, у миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақида гамхўрлик қилиш лозимлигини ўқтиради.

Авлоний фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданини тарбия қилиш зарур. “Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чўнки ўқимок, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир”. Абдулла Авлоний бадан тарбияси масаласида — болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятлари алоҳида эътибор беради.

Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиш бениҳоя зарур ва муқаддас вазифа, деб ҳисоблайди. “Таълим-тарбия бериш муаллимларнинг виждонларига юкланган муқаддас вазифадир”, дейди Авлоний. Айни замонда у таълим ва тарбиянинг узвийлиги, узлуksизлиги ҳақида гапирди. “Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабудур”, дейди.

Абдулла Авлоний фикрича, инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чўнки инсон унинг соҳибидир. У ақл ёрдамида илм эгаллайди, илм туфайли дунёни бошқаради. “Ақл — инсонларнинг пири қомили, муршиди ягонаси. Рух ишловчи, ақл бошловчидур. ...Инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан боғлаб, ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур”.

Авлоний инсонга ва унинг ақлига юксак баҳо беради: “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва таҳриба соясида қанча кўпайса, шунча қиммат-баҳо бўлур”. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида илм тўғрисида бундай дейди: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий, муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур. ...Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабудур... Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур”.

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни кўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни қақиб, уни пўчоғидан ажратиб олиш керак. Абдулла Авлоний илмнинг жамият тараққиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида қўлланмаса, у ўликдир. Абдулла Авлоний ўз илмини амалда қўлай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атади. Абдулла Авлоний ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдаланиб касб-хунар эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан қувувчиларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишларини кўриб, улардан нафратланади. Авлоний ёшларни бойликка ружу қўймайди, ундайди. Бойликни ўткинчи бўлутга ўхшатади. Аллома меҳнатсиз кун кечирини барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди.

Абдулла Авлоний 1918 йилдан бошлаб республикамизда ўқитувчилар уюшмаси, қоровуллар, тунукачилар, кўнчалар, ҳунармандлар ва босмахона ҳодимларининг касабга уюшмаларини ташкил қилиб, уларга раҳбарлик қилади. Собиқ эски шаҳар ишчи-деҳқон совет ижроия комитетида раис этиб сайланади. Туркистон республикаси миллий комиссариятининг масъул ходими сифатида миллий урф-одатлар ва янгича маданий нормалар ҳамда қонунларга доир масалалар билан шуғулланади.

1919-1920 йилларда Авлоний Афғонистоннинг Хирот шаҳрида совет элчихонасида бош консул бўлиб ишлади. Халқини ўртасида биродарлиқни мустаҳкамлаш соҳасида олиб борган ишлари учун Афғонистон шоҳи Омулуллохон томонидан кумуш соат билан тақдирланди.

1920 йилларда Авлоний турли ижтимоий вазифалар билан бирга, муаллимлик касбининг ҳам давом эттирди, саводсизликни тугатишда фаол қатнашди. Тошкентда ташкил қилинган ўлка билим юрти, сўнгра хотин-қизлар билим юртида мудирилик қилди. У халқ маорифи институтида, туркфронтир тарбия мактабида (ҳарбий билим юрти) ўқитувчи бўлиб ишлади. 1924-1929 йилларда Ўрта Осиё давлат университетида (САГУ) ўқитувчилик қилиш билан бирга, илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб борди.

Абдулла Авлоний янги адабиёт дастури асосида 1933 йилда ўзбек мактабларининг VII синфлари учун “Адабиёт хрестоматияси”ни тузди. Унинг фаолияти юксак қадрланиб, узоқ йиллик ҳалол меҳнати учун 1925 йилда “Меҳнат қаҳрамони” унвони, 1930 йилда меҳнатсеварлиги, илмий ишлари ва асарлари учун “Ўзбекистон маорифи зарбдори” унвони берилди.

Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи, миллий кадриятлари билан чамбарчас боғланган. Унинг бой педагогик мероси миллий мактаб, миллий педагогикани ривожлантиришда қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода Авлонийнинг сиймоси, фаолияти биз учун қадри ва ибрат тимсолидир.